

**МИРЗАЕВ Имомназар Қаландарович,**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси бўлим мудир, иқтисод фанлари  
доктори;

**ЖАББАРОВ Камолиддин Йўлдошевич,**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети катта илмий ходим-  
изланувчиси

# ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

УДК 330.33.012

## **МИРЗАЕВ И.Қ., ЖАББАРОВ К.Й. ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада глобал иқтисодий интеграция жараёнида иқтисодий инқирозларга қарши дастурларнинг самарадорлигини оширишда иқтисодиётда инновацияларнинг қўлланилиши масалалари таҳлил қилинган. Таҳлилда иқтисодчи олимлар Й.Шумпетер ва Н.Кондратьевларнинг иқтисодий цикллар борасидаги илмий изланишлари натижаларидан фойдаланилган.

Таянч иборалар: иқтисодий инқироз, иқтисодий инқирозга қарши дастурлар, барқарор иқтисодий ўсиш, инновация, иқтисодий цикллар.

## **МИРЗАЕВ И.К., ЖАББАРОВ К.Й. ВОПРОСЫ РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ АНТИКРИЗИСНЫХ ПРОГРАММ**

В статье проанализированы применение инноваций в повышении эффективности антикризисных программ в процессе глобальной экономической интеграции. В анализе использованы результаты научных исследований ученых-экономистов Й.Шумпетера и Н.Кондратьева в сфере экономических циклов.

Ключевые слова: экономический кризис, антикризисные программы, устойчивый экономический рост, инновация, экономические циклы.

## **MIRZAEV I.K., JABBAROV K.Y. INNOVATION ISSUES IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF ANTI-CRISIS PROGRAMS IMPLEMENTATION**

The article analyzes the innovations in improving the efficiency of anti-crisis programs implementation in the process of global economic integration. In the analysis are used the researcher-economists J.Schumpeter and N.Kondratiev's scientific results in the sphere of economic cycles.

Keywords: economic crisis, anti-crisis programs, sustainable economic growth, innovations, economic cycles.

**«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган. Барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши иқтисодиётнинг ташқи таъсир ва иқтисодий инқирозларга нисбатан иммунитет ҳосил қилишига олиб келади.**

Барқарор иқтисодий ўсишга асос бўлувчи омиллар қаторида инновациялар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу иқтисодий инқирозларга қарши дастурларнинг самарадорлигини оширишга замин ҳозирлайди.

Шу ўринда иқтисодий инқироз тушунчасига эътиборимизни қаратиб ўтсак. Иқтисодий инқироз тушунчасини тадқиқ қилиш ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирозини атрофлича таҳлил қилишдан бошланади.

Маълум бир давр оралиғида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан ҳарид қилинишининг имкони бўлмай қолади. Чунки истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти билан ишлаб чиқарувчиларнинг жами таклифининг оралиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойда олиш борасида тафовутлар чиқади. Вақт ўтиши билан бундай номутаносиблик йиғилиб, жамғарилиб борилади. Натижада харидорларнинг тўлов қобилиятидан ортиқча бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади ва таклиф ортади, асосий капитал ортиқча жамғарилади. Бу ҳолат эса ишлаб чиқаришнинг классик инқирозларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Иқтисодий инқирозларни классик инқирозлар билан биргаликда тадқиқ қилишда иқтисодий циклларнинг ҳаракати муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб иқтисодий цикллар борасида иқтисодчи олим Й.Шумпетер XX асрнинг биринчи ярмида илмий изланишлар олиб борган. Унинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, иқтисодий цикллар ривожланиши тўрт фазада ажратиб кўрсатилди. Булар юксалиш, рецессия, депрессия ва жонланиш фазаларидир.

Биринчи фаза – юксалиш босқичида янги тоғларнинг пайдо бўлиши, янги товар ва хизматларнинг жорий этилиши, янги бозорларнинг кашф этилиши натижасида даромад ҳажми ортади ҳамда натижада иқтисодий ўсиш кузатилади. Бунда, албатта, ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик қобилиятлари алоҳида ўрин тутади.

Рецессия фазасида биринчи фазадаги ўсиш ҳолатидан иқтисодиёт мувозанат ҳолатига қайтади.

Учинчи – депрессия фазасида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари орқага кетади, мувозанат бузилади ва шарт-шароитлар ёмонлашади.

Жонланиш фазаси товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг бевосита аралашуви натижасида иқтисодий мувозанатни қайта тиклаш учун комплекс чоратadbирларни амалга ошириш натижасида юзага келади. Ушбу фазада инновацияларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга<sup>1</sup>. Чунки иқтисодий мувозанатни қайта тиклаш жараёнининг тез суръатларда амалга оширилиши бевосита инновация омилига боғлиқдир.

Бошқа бир иқтисодчи олим Н.Д.Кондратьевнинг фикрича, узун циклларнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- капиталистик иқтисодиётнинг ҳаракати бир неча мувозанат даражалари доирасида намоён бўлади. Асосий капитал бойликларнинг (ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва малакали ишчи кучи) мувозанати хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг барча омиллари билан

<sup>1</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М., 1982. – С. 386.

биргаликда ишлаб чиқаришнинг мазкур техник усулини белгилаб беради. Бунда мувозанатнинг бузилиши капитал бойликларнинг янги захираларини ташкил этиш заруратини юзага келтиради;

- асосий капитал бойликларнинг янгиланиши эса бир текис кечмайди, бунда ҳал қилувчи ролни илмий-техник ғоялар ва инновациялар ўйнайди;

- узун циклнинг давомийлиги жамият капитал бойликлари асосий элементларидан бири ҳисобланган ишлаб чиқариш инфратузилмавий қурилмаларининг ўртача ҳаётий даври билан белгиланади;

- барча ижтимоий жараёнлар – урушлар, инқилоблар, аҳоли миграцияси иқтисодий механизмнинг қайта шаклланиш натижасидир;

- асосий капитал бойликларнинг алмашинуви ва узоқ муддатга чўзилган иқтисодий пасайишдан чиқиш натурал ва пул кўринишидаги ресурсларнинг жамланишини тақозо этади. Етарли даражада жамланмага эришилгач эса асосий капитал бойликларни тубдан янгилаш имконияти юзага келади ва бу ўз навбатида, иқтисодиётни янги кўтарилиш босқичига олиб чиқади<sup>1</sup>.

Маълум бўлишича, ҳар икки олимнинг илмий тадқиқот ишларида инновацияларга алоҳида урғу берилган. Шу ўринда инновациялар хусусида тўхталиб ўтсак.

«Инновация» – инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиётлар, ихтиролар, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва бошқалар) у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун фойдаланишдир. Шу қаторда технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа инновацияларни ажратиб кўрсатиш

мумкин. Инновациялар ҳар қандай фаолият соҳасида киритилувчи янгиликдир<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад инновацион ривожланиш асосида мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашдан иборатдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инновацион ривожланиш кўрсаткичи мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланма (ИТТКИ)ларига ажратилган харажатлар улуши билан ўлчанади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ИТТКИга ЯИМнинг 3% атрофида маблағи сарфланади. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткичнинг камида 1,5% атрофида бўлиши тавсия этилади. Бундай тавсия Халқаро Академик Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган.

2000 йилда Европа Кенгаши томонидан Европа Иттифоқининг фан, технологиялар ва инновация соҳасидаги сиёсати – Лиссабон стратегияси қабул қилинди. Бу ҳужжатда фан, технологиялар ва инновация соҳасидаги сиёсат ва устувор вазифалар ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатга 2002 йилда Барселонада ўзгартириш киритилган. Унга кўра инновациялар учун ЯИМнинг камида 3%и ажратиши керак<sup>3</sup>.

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, дунё бўйича ИТТКИ энг кўп маблағ сарфлайдиган давлатларнинг аксариятида иқтисодиётнинг барқарорлиги, жаҳон экспорт бозорида маҳсулотларга талабнинг юқорилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини кўришимиз мумкин.

Миллий инновацион тизими ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга бардошлилик даражаси юқори бўлиб, 2008 йилда бошланган жаҳон

<sup>1</sup> Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т., 2009. -28-б.

<sup>2</sup> Keith S. Taber. Modeling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.

<sup>3</sup> [http://www.ved.gov.ru/moder\\_innovac/analytic/analytical\\_materials/obzor\\_gorizont\\_2020/](http://www.ved.gov.ru/moder_innovac/analytic/analytical_materials/obzor_gorizont_2020/)

**1-жадвал. ИТТКИга энг кўп маблағ ажратган мамлакатлар ўнталиги<sup>1</sup> (2016 йил мобайнида)**

№	Давлатлар	ЯИМ, млрд. АҚШ долларида	ИТТКИга харажат- лар, ЯИМга нисбатан % да	ИТТКИга харажатлар, млрд. АҚШ долларида	Жаҳон ялпи ИТТКИдаги улуши, % да	ИТТКИ харажатлари 2015 йилга нисбатан ўзгариши, %	ЯИМ йиллик ўсиш суръати	
							2015	2016
1.	АҚШ	18 237.0	2.81	512.46	25.6	- 0.2	2.4	1.6
2.	Хитой	20 669.7	1.94	400.99	20.1	0.7	6.9	6.7
3.	Япония	4 854.2	3.55	172.32	8.6	0.1	0.5	1.0
4.	Германия	3 906.3	2.88	112.50	5.6	- 0.2	1.5	1.8
5.	Жанубий Корея	1 898.9	4.26	80.89	4.0	0.1	2.6	2.8
6.	Ҳиндистон	8 570.3	0.85	72.85	3.6	0.1	7.3	6.8
7.	Франция	2 681.4	2.24	60.06	3.0	- 0.1	1.1	1.2
8.	Россия	3 688.3	1.50	55.32	2.9	0.2	- 3.7	- 0.2
9.	Буюк Британия	2 727.2	1.75	47.73	2.4	0	2.2	1.8
10.	Бразилия	3 086.7	1.20	37.04	1.9	0	- 3.8	- 3.6

молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг сезилиши паст даража бўлган<sup>2</sup>.

Глобал инновация индекси – Халқаро бизнес мактаб, Корнелл университети ва Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган, мамлакатларнинг инновацион салоҳиятининг ривожланиш даражасини ифодалайдиган кўрсаткич. Мазкур индексларни ҳисоблаш тизимида мамлакатимиз рейтинги 2012 йилдан бери аниқланмоқда. 2012 ва 2013 йилларда Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекси 23,9 ни, 2014 йилда 25,2 ни ва 2015 йилда 25,9 ни ташкил этган<sup>3</sup>. Бу Ўзбекистонда иқтисодий инновацион ривожлантириш йўлига ўтказишда ижобий натижалар қўлга киритилаётганлигининг исботидир.

Глобал инновацион индексни ҳисоблаб чиқишда 7 та мезондан фойдаланилади: институционал муҳит, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма ва бозорнинг ривожланганлиги, бизнеснинг ривожланган-

лиги, технологиялар ва билимларнинг ривожланиши, ижодий фаолият натижаси. Мамлакатимизда индекс сўнгги тўрт йилда 2 пунктга кўтарилган. Ижобий ўзгаришнинг мезонлар бўйича таҳлили бозорнинг ҳамда билимлар ва технологияларнинг ривожланганлигини, яъни инновациялар татбиғининг ортганлигини кўрсатмоқда.

Умумлаштириб айтганда, жаҳондаги инновацион жараёнлар қуйидаги ижобий ўзгаришлар фониди содир бўлмоқда:

- Инвесторларнинг ИТТКИга қизиқишининг ортиши ва бу соҳани молиялаштириш ҳажмининг ўсиши;
- глобал телекоммуникациялар тармоғининг шаклланиши;
- интернет технологиялардан фойдаланиш даражасининг ортиши;
- ахборот, нано ва биотехнологиялар соҳасида конвергенция жараёнларининг кенгайиши;
- энергия тежовчи технологияларнинг қўлланилиш ҳажмининг ортиши ва пировардда экологик муаммоларнинг ҳал этилиши<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан Global R and D Funding Forecast:2016, 2017 ва World Economic Outlook 2016, 2017 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> НТР и мировая политика. / Под ред. А.В.Бирюкова, А.В.Крутских. МГИМО (Университет) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2010. -С. 7.

<sup>3</sup> Йиллар бўйича Глобал инновацион индекс (The Global Innovation Index): 2012, 2013, 2014 ва 2015.

<sup>4</sup> Исаджанов А.А. Инновационная политика и проблемы устойчивого экономического развития. // «Иқтисодий ва таълим», 2016, 3-сон.

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш жамиятда бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлиши билан айниқса муҳимдир. Хусусан:

- мамлакат иқтисодиётига четдан кириб келадиган инвестициялар миқдорининг ортиши;
- венчурли молиялаштириш тизимининг ривожланиши;
- ўзгарувчан жаҳон бозорида ўз миллий маҳсулотларига нисбатан қатъий талабнинг мавжудлиги ва ўз харидорлар сегментига эга бўлиши;
- мамлакатда энг сўнги илм-фан ютуқларининг жамланиши;
- миллий иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишига эришилиши;
- иқтисодиётда рақобатбардошликнинг ортиши;
- миллий иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга нисбатан иммунитетининг шаклланиши;
- барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш;
- пировард натижада иқтисодиётни инновацион ривожлантириш орқали инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишга эришиш.

Фикримизча, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий-норматив асосларини такомиллаштириш.
2. Инновацион фаолиятни бошлаш учун ҳар тамонлама, хусусан, ташкилий, иқтисодий ва таълим йўналишлари бўйича ёрдам кўрсатадиган махсус муассасаларни ташкил этиш.
3. Давлат томонидан инновацион фаолиятнинг комплекс инфратузилмасини яратиш.
4. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг давлат томонидан тартибга соли-

ниши ва маблағ ажратиш кўламининг кенгайтирилиши.

5. Чет эл ва маҳаллий инвесторлар учун мавжуд қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва жозибадорлиги ошириш.

6. Мамлакат миқёсида инновацион лойиҳаларни танлаб олишнинг қуйи бўғиндан бошланадиган мукамал механизмининг амалиётга татбиқ этиш.

7. Инновацион фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга солиқ, божхона ва экспорт йўналишларида имтиёзлар тизимини жорий этиш кўламини кенгайтириш.

8. Янгиликлар ва янги ишланмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тижоратлаштириш учун корхоналарда мукамал менежмент тизимини йўлга қўйиш.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан аён бўлишича, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш орқали мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши иқтисодчи олим Й.Шумпетер томонидан илгари сурилган тўрт фазали иқтисодий цикллардан биринчиси – юксалиш ва иккинчиси – рецессия фазаларининг узоқроқ вақт мобайнида амал қилишига замин ҳозирлайди. Бундан ташқари, Н.Кондратьевнинг К-цикллари назариясида ҳам инновациялар масаласига эътибор қаратилиши алоҳида аҳамиятлидир. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг узоқроқ вақт давомида мавжуд бўлиши жуда кўп омиллар қаторида инновация омилининг ҳам мавжуд бўлишини тақозо этади. Яъни барқарор иқтисодий ўсиш инновацион ривожланиш билан тўғри пропорционал боғлиқликка эга. Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, инновациялар иқтисодий инқироз пайтида унинг таъсирини камайтиришга, оқибатларини юмшатишга ва иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М., 1982. –С. 401.
2. Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т., 2009.
3. Keith S. Taber. Modeling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
4. [http://www.ved.gov.ru/moder\\_innovac/analitic/analytical\\_materials/obzor\\_gorizont\\_2020/](http://www.ved.gov.ru/moder_innovac/analitic/analytical_materials/obzor_gorizont_2020/)
5. НТР и мировая политика. / Под ред. А.В.Бирюкова, А.В.Крутских. МГИМО (Университет) МИД России. – М.: МГИМО – Университет, 2010.
6. Йиллар бўйича Глобал инновацион индекс (The Global Innovation Index): 2012, 2013, 2014 ва 2015.
7. Исаджанов А.А. Инновационная политика и проблемы устойчивого экономического развития. // «Иқтисодиёт ва таълим», 2016, 3-сон.